

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 338.24:334

ХОЖИМУРОДОВ ЗУХРИДДИН ШУКУРУЛЛО ЎҒЛИ

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ЯНАДА
ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**5A230102 – “Иқтисодиёт” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги
бўйича**

магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.д., профессор Б.И.Исроилов

ТОШКЕНТ – 2020

Ушбу магистрлик диссертациясининг янгилиги, Ўзбекистон саноат корхоналарини иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ва таҳлил қилишда хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш орқали саноат корхоналарини янада ривожлантириш бўйича таклиф этилаётган назарий ва амалий тавсияларнинг асосланганлиги ҳисобланади ва улар қуйидагиларда намоён бўлади: саноат корхоналари иқтисодий фаолигини янада ошириш механизмларини ривожлантиришнинг янги стратегияларни жорий этиш ҳамда инновацион ишлаб чиқариш муҳитини кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ишлаб чиқариладган маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилишда маркетинг хизматларини кенгайтириш орқали маҳсулот таннархини пасайтиришга мўлжалланган янги лойиҳалардан самарали фойдаланишнинг истиқболларини баҳолаш асосида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

The newnesses of this Master dissertation, By efficiently using foreign practices in managing and analyzing the economic relations of industrial enterprises in Uzbekistan. The validity of proposed theoretical and practical recommendations to further develop industrial enterprises and these will reflect in the following: Developing the mechanisms to increase the economic activities of industrial enterprises and implementing its new strategies and boosting the atmosphere of innovative manufacturing, widening the marketing services in recycling and exporting the products of small businesses and private entrepreneurship by which evaluating the prospects of the projects aimed at reducing the cost of products, on this basis conclusions and suggestions are designed.

Магистрлик диссертация иши “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. ____ - сонли баённома « ____ » ____ 2020 й.

Илмий раҳбар: и.ф.д., профессор Б.И.Исроилов

Такризчи: и.ф.н., доцент Х.А.Асатуллаев
Тошкент молия институти “Иқтисодиёт”
кафедраси мудири

Магистр: З.Хожимуродов

“Ҳимояга рухсат этилади”

“Тармоқлар иқтисодиёти” кафедраси
мудири доц. И.Хотамов

“ 16 ” “ 06 ” 2020 йил

Ҳимоя Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида
2020 йил “ 30 ” “ 06 ” соат “ 14 ”⁰⁰ да бўлади.

М У Н Д А Р И Ж А

		бет
	Кириш.....	3
I-боб.	САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	10
1.1.	Саноат корхоналарида иқтисодий фаолигини ривожлантиришнинг зарурлиги.....	10
1.2.	Саноат корхоналарида иқтисодий фаолигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми.....	20
	Биринчи боб бўйича хулоса.....	28
II-боб.	САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛ- ЛИГИНИ ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ҲО- ЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	30
2.1.	Саноат корхоналари иқтисодий фаолиятини ривожлантириш ва улар фаоллигини ошириш механизми ҳолати таҳлили.....	30
2.2.	Саноат тузилмалари фаолиятини ҳудудий рақобатбардошликни таъминлашга таъсири.....	35
2.3.	Саноат тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришнинг ҳудудий муаммолари.....	42
	Иккинчи боб бўйича хулоса.....	48
3-боб.	САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛ- ЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	52
3.1.	Саноат корхоналари иқтисодий фаоллиги ва ҳудудий рақобатбардошликни ошириш йўналишлари.....	52
3.2.	Саноат корхоналари инновацион фаоллигини шакллантириш орқали рақобатбардошликни ошириш йўллари.....	55
	Учинчи боб бўйича хулоса.....	61
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	65
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	69

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Иқтисодий тараққиётга эришишнинг янги сифат босқичига ўтиш юзасидан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизациялаш бўйича белгиланган устувор йўналишларни амалга оширилиб бориши натижасида мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда «...йирик саноат корхоналарида янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга, ушбу корхоналарни халқаро молия бозорининг тўлақонли иштирокчисига айлантириш лозим»¹.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда иқтисодиётимизнинг етакчи локомотиви деб эътироф этилаётган саноат корхоналарининг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётгани жобий ўзгаришлардан далолат беради.

2017-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида асосий эътибор юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган².

Албатта мазкур соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда, бугун унга тўсиқ бўлаётган ва унинг ривожланишига халақит бераётган муаммоларни яна бир бор батафсил, чуқур таҳлил қилиш ҳамда қилинган таҳлиллар асосида аниқ, стратегик қарорлар қабул қилиш заруриятини туғдирмоқда. Ўзбекистонда бу соҳада ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд эканини, дунёдаги тараққий топган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ялпи ички маҳсулот

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://uza.uz/uz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-25-01-2020>.

² Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон, <https://lex.uz/docs/3107036>